

## КИМЁ САНОАТИДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 7 июль куни кимё саноатида эришилган асосий кўрсаткичлар ва режалаштирилган лойиҳалар тақдими билан танишди.**

"Ўзимёсаноат" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ж.Мирзамаҳмудов Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги қарори асосида тармоқ диверсификация қилиниб, янги маҳсулотлар ўзлаштирилгани ҳақида ахборот берди. Натижада охириги 3 йилда ишлаб чиқариш 1,5 баравар, экспорт эса 2 баравар ошган.

Асосийси, илгари сурункали зарар билан ишлаган бу тармоқ 2021 йилни

1,6 триллион сўм соф фойда билан якунлаган.

Жорий йилнинг олти ойида жамият корхоналари томонидан қарий 7 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ишлаб чиқариш 11 фоиз ўсган. 218 миллион долларлик товарлар экспорт қилинган.

Йил якунигача ишлаб чиқаришни 14 триллион сўм, экспортни 425 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Бунинг учун иккинчи ярим йилликда 650 минг тонна азотли, 70 минг тонна фосфорли ва 120 минг тонна калийли ўғитлар ҳамда 80 минг тонна поливинилхлорид ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари тармоқ корхоналари самарадорлигини ошириш ва уларни трансформация қилиш бўйича тизимли ишлаш кераклигини таъкидлади. Энергияни тежаш ва маҳаллилаштириш орқали таннархни 6 фоизгача камайтириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдиротда галдаги истиқболли лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Қайд этилганидек, йил якунигача қадар 400 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 9 та лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, "Навоийазот" да метилцеллюлоза, техник газ, суяқ минерал ўғитлар, Чирчиқ кимё технопар-

кида кўпikli полипропилен, органик ўғитлар ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз янги лойиҳаларни фақат хусусий инвестициялар иштирокида амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. 5 та кимё кластерида камида 1 миллиард долларлик лойиҳалар портфелини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарни хусусийлаштиришни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

Олий Мажлис Сенатининг йигирма еттинчи япий мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Моҳият

## Очиқлик ва тенг ҳуқуқлилик асослари

янги қонунда нималар назарда тутилмоқда?

Янги қонун билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлаш борасидаги амалий ишларни кучайтириш, суд-экспертлик фаоли-

тини ривожлантириш ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р И

## АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ВА ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Автотранспорт воситалари-дан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, республикада йўловчи ташиш транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ишсизликни қисқартириш ҳамда транспорт хизматлари бозорини ривожлантириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб **автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни**

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **электрон шаклда расмийлаштириш тизими** жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

а) электрон шаклда расмийлаштирилган автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома (кейинги ўринларда — электрон ишончнома) нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди;

б) электрон ишончнома расмийлаштирилганлик учун давлат

божи унинг амал қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ишончномани нотариал тасдиқлаш учун ўрнатилган давлат божига нисбатан қуйидаги фойзаларда ундирилади:

бир ойгача бўлган муддатга — **10 фоиз**;

олти ойгача бўлган муддатга — **50 фоиз**;

уч йилгача бўлган муддатга — **100 фоиз**.

в) электрон ишончнома мавжудлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходим-

лари томонидан мобил қурилмалар орқали текширилади; г) электрон шаклда расмийлаштирилмаган автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномаларга нисбатан амалдаги нотариал тасдиқлаш тартиби сақлаб қолинади.

3. Юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган шахсларнинг икки йилда бир марта мажбурий малакасини ошириш талаби бекор қилинсин.

4. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар ва йўловчи ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар ўртасида тузиладиган транспорт воситаси ижараси шартномаларини нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинсин ҳамда уларни давлат солиқ хизмати органлари ахборот тизимлари орқали электрон тарзда ҳисобга олиш тизими жорий этилсин.

(Давоми 2-бетда) ▶

Жойларда "Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг

Конституциявий қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қизгин давом этмоқда.

Мазкур жараёнларда сиёсий партиялар, уларнинг барча қуйи бўғини, парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари фаол қатнашапти.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ақтам Ҳайитов Қашқадарё вилоятининг қатор ҳудудларида, ижтимоий соҳа объектларида, корхона ва заводларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Иштирокчиларга Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмуни, кири-

## Ҳар ким кафолатланган бепул тиббий ёрдам олишга ҳақли

тилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти батафсил тушунтирилмоқда.

Ана шундай учрашувларнинг бири Қарши шаҳар тиббиёт бирлишмасида бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва халқимиз ҳаётидаги аҳамияти хусусида атрафлича сўз юритилди.

Спикер ўринбосари йиғилганлар таркибидан келиб чиқиб, асосий эътиборни Конституциявий қонун лойиҳасининг 40-моддасига қаратди. Унда "Ҳар ким соғлигини муҳофаза қилиш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонунда белгиланган ҳажмда кафолатланган

бепул тиббий ёрдам олишга ҳамда тез ва шошлинч тиббий ёрдамни ҳам ўз ичига оладиган кафолатланган бепул тиббий ёрдам олишга ҳақли", дея муस्ताҳкамланмоқда.

А.Ҳайитов мазкур қўшимча ва ўзгартишларга изоҳ берар экан, Президентимизнинг 2022 йил 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқида ана шу моддани кенгайтириш, тўғридан-тўғри қўлланилувчи нормалар билан бойитиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берганини таъкидлади. Шу билан бирга, янги тахрирдаги норма Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган тегишли вазифаларни конституциявий даражада кафолат-

лаш имконини беришини, шунингдек, халқаро меъёрий ҳужжатларга мослигини алоҳида қайд этди.

Мазкур норма ижтимоий давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги муҳим ҳуқуқий кафолати, "Инсон қадрини учун" ғоясининг тўла рўёбга чиқиши учун хизмат қилишини айтиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққанлар бу каби янги нормаларнинг киритилиши халқпарвар давлат барпо этилишида асосий омил эканлигини таъкидлаб, Конституциявий қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш борасида ўз тақлифларини билдирдилар.

Мухтарам КОМИЛОВА,  
ЎЗА мухбири

Истиқлол йилларида халқимизнинг қадимий ва бетакрор байрамларидан бўлмиш муборак Рамазон ва Қурбон ҳайитларини муносиб нишонлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки ҳар икки ҳайит айёмининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонларварлик, эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш жуда муҳим.

Мунаввар лаҳзалар

## Шукроналик ва меҳр-оқибат айёми



Президентимизнинг яқинда қабул қилинган қарорига мувофиқ, жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 9 июль — шанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар

кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил 9 июль кунини Қурбон ҳайити сифатида кенг нишонлаш белгиланди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Муносабат

## Тинчлик бор экан, ҳаловат бор

Тинчлик шундай бир неъматки, у бор жойда ривожланиш, тараққиёт бўлади. Еган ош-нонинг тоғли, ўтаётган вақтинг завқли бўлади. У бор экан, ҳаловат бор.

Аммо тинчликка раҳна солувчи, жамиятни издан чиқаришга уринувчи кучлар доим бўлиб келган. Айни кунларда Қорақалпоғистонда содир бўлган воқеалар бунга бир мисол.

Юртимизда кечаётган қизгин сиёсий жараёндан фойдаланиб, баъзи бир галамис ниятли кучлар нотўғри, ёлғон ахборотлар билан тинч аҳолидан фойдаланишга ҳаракат қилганининг гувоҳи бўлдик.

Қорақалпоқ элининг дарду ташвишлари бизнинг дардимиз, орзуларимиз ҳам мушта-рақдир. Бу фикрни давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаган.



Президентимиз Нукус шаҳрида Жўқорғи Кенгес депутатлари, Қорақалпоғистон фахрийлари ва фаоллари билан учрашувда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муҳокамаси ҳали давом этаётганини инобатга олиб ҳамда Қорақалпоғистон аҳолиси билдираётган фикр ва мулоҳазаларни ўрганган

ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 70, 71, 72, 74, 75-моддаларини амалдаги тахрирда ўзгартириш қолдириш зарурлигини айтди. Фуқароларимизнинг хоши-иродаси, тақлиф ва фикрларидан келиб чиқиб, ушбу лойиҳа ўзгариши ва такомилга етказилишини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

## Маъмурий суд ишларини юритиш такомиллашгаётган ҳуқуқий асослар

Айтиш керакки, давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан фуқаро ёки тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилганда, уларни ҳимоя қилиш маъмурий судлар томонидан амалга оширилади.

2017-2021 йилларда бу борада маъмурий судлар томонидан **71 минг 794 та** ариза ва шикоят кўриб чиқилган. Шундан **46 минг 411 таси**

(65 фоизи) қаноатлантирилган.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун кўмаги

## Ноқонуний қарор судда бекор қилинди

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашгаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилишга ҳақли.



Айтиш керакки, солиқ органларининг ҳужжатлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга берилган шикоятлар қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

Бунга суд амалиётидан кўп-кўп мисоллар келтириш мум-

кин. Масалан, "FIR-SHAX-PARRANDA" масъулияти чекланган жамияти Бухоро туманларо маъмурий судга мурожаат қилиб, Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармасининг тегишли қарорини бекор қилишни сўраган.

(Давоми 2-бетда) ▶





Қонун ижодкорлиги

# МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН ХУКУҚИЙ АСОСЛАР

такомиллашаётган ҳуқуқий асослар

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Дунёнинг тараққий этган давлатларида айнан маъмурий судлар фуқаро ёки тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ижро органлари томонидан бузилишининг олдини олишда, уларни гайриқонуний қарорлар, ҳаракатлар ё ҳаракатсизликдан ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди.

Шу муносабат билан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг, айниқса, маъмурий судларнинг ролини янада кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш давр талабидир.

Шу маънода **"Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жорий йил 16 июнда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур қонун лойиҳаси Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2022 йил 29 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг маъмурий судлар томонидан самарали ҳимоя этилишини таъминлашга ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш орқали маъмурий судларни фуқароларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантиришга қаратилган.

**Биринчидан**, маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш мақсадида қарори, ҳаракати ё ҳаракатсизлиги ноқонуний эмаслигини исботлаш мажбурияти уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юқлаш тартиби — **"суднинг фаол иштироки"** тамойилини жорий этиш белгиланмоқда.

Бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юқлаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига эса, далилларни йиғишда фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш кўзда тутилмоқда.

Суд амалиёти таҳлил қилинганда маъмурий судларда иш ҳолатларини исботлаш мажбурияти тарафларнинг ўзига юқлатилганлиги уларни тенгсиз ҳолатга келтираётганини кўрсатди.

Жумладан, ҳуқуқи бузилган оддий фуқаро ёки юридик шахснинг ўз талабларини исботлаб бериш бўйича имкониятлари давлат органларининг ресурсларига қараганда бирмунча чекланган ҳисобланади. Ушбу ҳолатда маъмурий суд ишларини кўришда суднинг фаол иштироки орқали тарафларнинг тенг имкониятлари таъминланади.

Шу ўринда хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда суднинг фаол иштирокига оид нормалар, жумладан, маъмурий суд томонидан ўз ташаббуси билан далил йиғиши Германия, Россия, Грузия, Озарбайжон ва Қозоғистон каби давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Шу маънода оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришда суднинг фаол иштирокига оид процессуал нормалар белгиланмоқда.

**Иккинчидан**, суд тизимида **"ягона дарча"** тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бунда:

судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатишни таққиллаш, бунда иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва судга тааллуқлигига кўра, тегишли судга юбориш тартибини белгилаш;

давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича маъмурий судлар ваколатини аниқ белгилаш, жумладан, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-ҳуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқиш маъмурий судлар ваколатига ўтказиш белгиланмоқда.

Маълумки, 2021 йил декабрь ойида барча фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларда эксперимент ўтказилиб, жами 447 та ариза фуқаро ва тадбиркорлар иштирокисиз "ягона дарча" тамойили бўйича ваколатли судга ўтказилган. Шунингдек, Олий суд ва вилоят судлари раҳбарлари томонидан "ягона дарча" тамойилининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича уч юздан зиёд учрашувлар ташкил этилган.

Қолаверса, 2021 йилда маъмурий судлар давлат органлари қарорлари устидан 15 минг 146 та шикоятни кўриб чиққан бўлса, улар натижасида етказилган зарарни ундириш бўйича 4 минг 28 та иш фуқаролик ёки иқтисодий судлар томонидан кўрилган.

Айни пайтда судлар тизимида "Ягона дарча" тамойилини кенг жорий

этишга қаратилган аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этишга оид нормалар процессуал қонунчиликда мустаҳкамланмоқда.

**Учинчидан**, мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини бажармаган тақдирда, уларга нисбатан **"ошиб борадиган" жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш** тартибини белгилаш назарда тутилмоқда. Бунда:

давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича қарорини у қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан давлат суд жаримасини қўллаш;

давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг такроран ижро қилинмаганлиги учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан давлат суд жаримасини оширилган миқдорда қўллаш назарда тутилди.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича суд ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро варақалари берилмайд.

Шу сабабли фуқаро ёки юридик шахснинг шикоят асосида чиқарилган суд ҳужжати ижроси давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан иштиёрий равишда амалга оширилишини таъминлаш учун таъсирчан назорат механизмлари мавжуд эмас. Бунинг натижасида аксарият ҳолатларда фуқаролар ёки юридик шахслар манфаатини кўзлаб, қабул қилинган суд ҳужжати давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ижро этилмайд.

Масалан, 2021 йилда маъмурий судларнинг 5 минг 331 та қарорида давлат органларига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича мажбурият юқлатилган. Шундан 2 минг 905 таси ёки 54,5 фоизи ижро этилгани ҳақида судларга тегишли ахборот берилмаган.

Шунинг учун фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича суд ҳужжати ижросини таъминлашга оид нормаларни процессуал қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ.

Давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан суд ҳужжати ижро қилинмагани учун уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жаримасини қўллаш тартиби Озарбайжон, Эстония, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида белгиланган.

**Тўртинчидан**, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида **ярашувга эришиш механизмлари жорий қилинмоқда**.

Аҳолининг одил судловга эришиш да-

ражасини ошириш, низонинг тарафлар ўртасида мақбул усулда ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида фуқаро ёки тадбиркорлар шикоятлари асосида кўриладиган ишлар бўйича ярашувга эришиш механизмларини жорий қилишга қаратилган процессуал тартиблар мустаҳкамланмоқда.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилди. Фуқаро ёки тадбиркорлар шикоятлари асосида кўриладиган ишлар бўйича ярашувга эришиш механизмларини қўллаш имконияти Озарбайжон, Эстония ва Қозоғистон каби давлатларда самарали қўлланилмоқда.

**Бешинчидан**, маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган фуқаролик ишлари бўйича суд учун мажбурий ҳисобланади, бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса, фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир неча талабни бирлаштиришни таққиллаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ягона суд амалиётини таъминлаш, қонунчиликдаги айрим бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган нормалар ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида қонун лойиҳаси билан:

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс;

Фуқаролик процессуал кодекси;

Иқтисодий процессуал кодекси;

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун;

"Давлат божи тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

**Янги қонун лойиҳаси орқали тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар:**

- давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлашга;

- давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишга;

- давлат органлари фаолияти қонуний асосда юритилишини таъминлашга;

- фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар, айниқса, маъмурий судлар ролини кучайтиришга;

- маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштиришга;

- аҳолининг судларга бўлган ишончини янада оширишга;

- маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига айлантиришга хизмат қилади.

**Шербек НАЗАРОВ,**

*Олий суд бўлим бошлиғи,*

**Нурали МҲМИНОВ,**

*фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди судьяси*

Муносабат

## Тинчлик бор экан, ҳаловат бор

**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Дарҳақиқат, Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар халқ билан бамаънафат ҳолда амалга оширилмоқда. Аҳоли хабардорлигини ошириш ва уларнинг тақлиф-фикрларини ўрганиш мақсадида жойларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ёрдамида тақлифлар олинмоқда.

Биз депутатлар ҳам ҳудудларда бўлиб, Конституцияга тақлиф этилган ўзгаришлар лойиҳасини сайловчилар билан кенг муҳокама қилмоқдамиз, уларнинг фикрларини чуқур ўрганимиз.

Президентимиз таъкидлаганидек, ОАВда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилади. Шундан сўнг фуқаролар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Қо-

нунчилик палатаси томонидан тақомилга етказилади.

Сўнгра мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси референдумга қўйилиб, фуқаролар хабардорлигини ошириш ва уларнинг тақлиф-фикрларини ўрганиш мақсадида жойларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Ижтимоий тармоқлар, оммавий ахборот воситалари ёрдамида тақлифлар олинмоқда.

Яъни янги Конституцияда халқимиз хохиш-истаклари ифода этилади. Айни пайтда эса, ҳар биримиздан оғир-бошиқлик, турли хил иғволарга учмасдан, узоқни, фарзандларимиз келажагини, юртимиз эртасини ўйлаган ҳолда иш тутиш талаб этилади.

Ўйлайманки, қорақалпоқ биродарларимиз буни жуда яхши англаб турибди, чунки улар билан мақсадимиз, йўлимиз, манзилимиз бир.

**Жамшид ҚОСИМОВ,**  
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

**Фаолият**



## Рад этилган даъво

ёхуд қонуний ҳуқуқлар суд ҳимоясида

**М**амлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фермер хўжаликлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шу боис иқтисодий судларда ер муносабатлари билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш жараёнида фермер хўжаликларининг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бун қуйидаги масола ҳам яққол тасдиқлайди.

Урганч тумани ҳокимлиги Урганч туманлараро иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, "агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмай, ерни ўз ҳолига ташлаб қўйган", деган ваз билан "Ислоубек Шарипов" фермер хўжалиги билан тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сураган.

Иш ҳужжатларида қайд этилишича, 2019 йил 28 январда Урганч тумани ҳокимлиги ва "Ислоубек Шарипов" фермер хўжалиги ўртасида 884-сонли ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сураган.

Иш ҳужжатларида қайд этилишича, 2019 йил 28 январда Урганч тумани ҳокимлиги ва "Ислоубек Шарипов" фермер хўжалиги ўртасида 884-сонли ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сураган.

Амалдаги Ер кодексининг 36-моддасида ер участкасидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши асослари белгиланган.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги 22-сонли қарори билан тасдиқланган **"Фермер хўжалигининг ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисида"**ги Низомда ҳам фермер хўжалиги томонидан шартнома интизоми бузилиши, шунингдек, хўжалик фаолияти самарасиз юритилишининг

аниқланган ҳолатлари асосида фермер хўжалиги ер участкаси майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби баён этилган.

Энди даъво аризасида қайд этилган ҳолатларга қайтадиган бўлсак, "Ислоубек Шарипов" фермер хўжалиги узок муддатли ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сураган. Амма бу ҳолат фермер хўжалиги ҳосилдорлик даражасини уч йил мобайнида меъёрдан паст бўлишига олиб келмаган. Шундай бўлса-да, Урганч тумани ҳокимлиги фермер хўжалигини асосиз равишда айблаган. Суд даъво аризаси асосиз бўлгани учун уни кўрмасдан қолдиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ барча суд ҳаражатларини ҳокимлик зиммасига юқлашни лозим топди.

Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, қонун барчага баробар. Шу боис агар даъво талаби қонунга мос бўлмаса, у албатта, рад этилади. Бу эса, судга даъво аризасини киритишда қонун талабларига қатъий риоя этишни тақозо этади. Ана шунда ортиқча овозагарчиликларнинг олди олинади.

**Нилуфар АЛЛАБЕРГАНОВА,**

*Урганч туманлараро иқтисодий суди раиси*

## «Бугина» қабилида иш тутиш



### жиноий жавобгарликка сабаб бўлди

Суд ушбу ҳолат айбланувчига нисбатан тўғри тадбиқ этилганини қайд қилди. Лекин ҳали эслатилганидек, фирибгарлик ҳаракати бўйича эълон қилинган айбни маъқуллашнинг иложи йўқ. Чунки жиноий қилмиш судланувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, охиригача етиб бормаган. Шу боисдан ҳам, бу турдаги хара-

катни тугалланган қилмиш деб бўлмайди. Жиноят кодексининг бу каби қилмишларга оид 168-моддаси 3-қисми "в" бандида кўзда тутилган жавобгарлик Олий Суд Пленумининг 35-сонли қарори 21-бандига мувофиқ, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда фақат алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг

мулки ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш мақсадида ўз хизмат ваколатлари доирасига кирмайдиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) амалга оширилган ҳоллардагина вужудга келади. Қ.Хусаиновнинг қилмишида бундай аломатлар йўқ. Жиноий қилмиш ҳали баён этилганидек, ўзганинг мулкни кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга қаратилган, бироқ айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган. Юқорида қайд этилган Пленум қароридан бу сингари қилмишларни талон-торож қилинган мулк қийматида қатъи назар, қасд йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида баҳолаш зарурлиги тушунтирилган. Ушбу раҳбарий кўрсатма фирибгарликка суиқасд си-

фатида Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисмига асосан қайта малакаланиши лозим.

Суд мажлисида айбланувчи сифатида кўрсатма берган Қ.Хусаинов айбини эътироф этди, қилмишидан пудаймон эканлигини билдирди. М.Мадаминов берган пулни ўзга шахсга "холис хизмати" эвазига инъом этиш учун эмас, балки ўз эҳтиёжини қоплашга сарфлашни кўзлаганини билдирди.

Айбнинг тан олинмиши шахснинг ўз қилмишидан пудаймонлиги билан бирга ахдиқан тузалиш йўлига кирганидан ҳам далолат беради. Айбланувчининг қилмишига иқроғлиги, пушаймонлиги, оилавий шароити, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келгани, моддий аҳоли, етказилган зарар бартараф этилган, муқаддам судланмагани жазони енгиллаштирувчи омилга айланган. Қонун талабига кўра, бундай ҳолат судланувчининг озолиқдан маҳрум этиш ёки унинг озодлигини чеклашни эмас,

балки жарима жазоси тайинлашни тақозо қилади. Қилмишнинг жиддийлиги эса, муайян ҳуқуқни чеклашга доир таъсир чорасини қўллашни кўзда тутди.

Суднинг ҳукмида буларнинг бари ўз ифодасини топди. Жиноят кодексининг 25, 168-моддаси 1-қисми ва 28, 211-моддаси 1-қисми бўйича айбланган Қ.Хусаинов кодексининг 45-моддасига асосан 1 йил муддатга давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда моддий жавобгар шахс ҳамда мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, жазоларни қисман қўшиш йўли билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 52 бараварига жаримага тортилди.

Кўриниб турганидек, ҳаётда ҳар ким эканини ўради. Қ.Хусаинов ҳам қилмишига яраша жазо олди.

**Илҳом ИСМОИЛОВ,**  
*жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа тумани суди раиси*

**Абдулла СОБИРОВ,**  
*"Куч — адолатда" муҳбири*

**Жиноятга жазо муқаррар**

## Хуфиёна келишув

ёки ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолмади

Мақарқанд шаҳридаги Мирзо Бегил номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мардонкул Турсунқулов ва "Самарқанд Графит Алмаз" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Ноила Шарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ширкат ҳудудигаги Н.сонли уйнинг биринчи қаватида жойлашган уч хонали турар жой кўп йиллар муқаддам собиқ Темурийўл тумани ҳокимининг қарори билан маҳаллага маъмурий бино сифатида ажратиб берилгани ва ҳокимнинг ушбу қарори кагастр хизмати идорасида давлат рўйхатидан ўтмаганидан хабар топгач, уни сотиб, мўмай гаромда олишни режалаштиришдаги (Давоми 4-бетда) ▶



Мунаввар лаҳзалар

## Шукроналик ва меҳр-оқибат айёми

(Бошланиши 1-бетда)

Президентимизнинг 2021 йил 20 декабрдаги "2022 йилдаги расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги Фармонида кўра, Қурбон ҳайитини мамлакатимизда муносиб нишонлаш, шу улуг байрам кунлари мўтабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида, 2022 йил 11-12 июль кунлари ҳам юртдошларимиз дам олиш имконига эга бўлди. Бу ҳайитнинг энг муҳим тадбири — қурбонлик қилишдир. Шунинг учун бу ҳақда мухтасар маълумот тақдим этилмоқда.

### Қурбонлик шартлари ва одоблари

Қурбонлик Ислам динининг вожиб бўлган улуг амалларидан биридир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: "Парвардигорингиз учунгина намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг" ("Кавсар" сураси, 2-оят). Қурбонлик луғатда "яқинлашмоқ", "яқин бўлмоқ" маъноларини билдириб, истилоҳда бу сўз Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мақсадида жонлиқ сўйишни англатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қурбон ҳайити куни эрта билан ўзлари қурбонлик қилардилар ва бошқаларни ҳам қурбонлик қилишга тарғиб этардилар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам "Имконияти бўла туриб, қурбонлик қилмаган кимса намозгоҳимизга яқинлашмасин", деганлар (Имом Аҳмад, Ибн Можа ривояти).



### Қурбонлик тарихига бир назар

Қурбонлик ҳижрий иккинчи йил вожиб бўлган бўлса-да, лекин унинг тарихи Иброҳим алайҳиссалом замонларига бориб тақалади ва у зотдан бизга қолган амаллардан бири. Бу ҳақда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам "Қурбонлик қилинглари! Албатта, у отамиз Иброҳим алайҳиссаломнинг суннатларидир", деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

### Қурбонлик қилишдан мақсад нима?

Қурбонлик қилишдан мақсад банд аъзининг Аллоҳ амрига итоатини, тақвосини намоеън этишдир. Аллоҳ таоло банд сўйган ҳайвоннинг гўштига ҳам, қонига ҳам муҳтож эмас: "Аллоҳга (қурбонлик) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли — У зотни улуг-

лашларингиз учун — уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!" ("Ҳаж" сураси, 37-оят).

Шунингдек, қурбонлик қилиш Аллоҳ таолонинг амрини адо этишга банданинг тайёр эканини кўрсатади ва тўғри йўлга ҳидоят қилгани учун Аллоҳ таолога шукр этиш бўлади. Аллоҳнинг йўлида жонлиқ сўйиб, бева-бечораларни тўғайиш шукрнинг бир кўринишидир. Қолаверса, бу амални бажаришда Аллоҳ таолонинг буюклиги ва динининг улуглиги зоҳир бўлади.

### Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлар

Қурбонлик қилинадиган ҳайвонлардан бирини сўйиш билан адо этилади:

Қўй (қўй дейилганда эчки ҳам тушунади), қорамол ва туя. Ушбу ҳайвонлардан бошқа ҳайвонлар қурбонлик ўрнига ўтмайди. Қўйда ёлғиз бир киши, қорамол

ва туяда эса бир кишидан етти кишигача шерик бўлиб адо қилиш мумкин. Қўй олти ойлик ва ундан катта бўлиши шарт. Қорамол икки ёш ва ундан катта бўлиши, туя беш ёш ва ундан катта бўлиши зарур.

Шу билан бирга, қурбонликка сўйиладиган ҳайвон семиз, йўғон ва ёши катта бўлиши афзал саналади. Қурбонликка ярамайдиган, айби ёки нуқсонли бос ҳайвонларни сўйиш керак эмас.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам "Тўрт нафар ҳайвон қурбонликка ярамайди: кўзи кўрлиги билиниб турган (айбли) ҳайвон, касали зоҳир касал ҳайвон, чўлоқлиги зоҳир чўлоқ ва ўрнидан тура олмайдиган ўта озгин ҳайвон", деганлар" (Имом Термизий ривояти).

### Қурбонлик қилиш вақти

— қурбонлик ҳайит намози ўқиб бўлингандан кейин бошланади. — учинчи ҳайит кунининг куёши ботиши билан тугайди.

### Қурбонликнинг қийматини садақа қилиш мумкинми?

Қурбонлик талаб этилган жонлиқлардан бирини сўйиш орқали адо этилади. Жонлиқни сўймай, жонлиқни ёки унинг миқдорига тенг маблағни бериш қурбонлик эмас, балки садақа ҳисобланади.

### Қурбонлик одоби

Аввало қурбонлик қилувчи шахс нияти тўғри, амалини холис Аллоҳ таоло учун қилган бўлиши лозимдир. Бошқалар "қўрсин" ёки "эшитсин", деган ниятдан йироқ бўлиши керак.

**Даврон НУРМУҲАММАД,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Матбуот хизмати ходими

Ғизикорлик фактлар



ёҳуд

### океанлар ҳақида нималарни биламиз?

Ер юзининг тахминан 70 фоизини уммонлар эгаллаган бўлиб, уларда дунёдаги сувнинг 97 фоизи жамланган. Сайёраимизда бешта океан мавжуд. Булар Тинч, Ҳинд, Атлантика, Шимолий муз ва Антарктика океанларидир. Қуйида барча тирлик жонзотга ҳаёт бағишлаган чексиз сув манбалари ҳақида маълумотлар билан таништирамиз:

- Океанлар тахминан 3,5 миллиард нафар одам учун асосий озиқ-овқат манбаи ҳисобланади;
- Океанлар сайёраимизда ҳаёт пайдо бўлишдан 3 миллиард йил олдин пайдо бўлган;
- Ҳозирги кунда ер юзидаги мавжуд жонзотларнинг тахминан 70 фоизи океан сувида яшайди;
- Океан суви узоқ йиллар давомида денгиз ва ер қаъридан қуйиладиган минераллар туфайли шўрланган;
- Сайёрадаги вулқон фаоллигининг 90 фоизи океанларда содир бўлади;
- Ер юзидаги энг баланд сув тошқинлари тахминан 16 метр-ни ташкил этади. Уларни АҚШ, Канада қирғоқлари ва Фенди кўрфазидида кузатиш мумкин;
- Ернинг пайтгача Тинч океанининг фарбий қисмидаги Мариан чўкмасининг 11 034 метр чуқурлигида жойлашган;
- Энг шаффоф океан суви Антарктида соҳилидаги Уэдделл денгизидеда жойлашган;
- Океан сувидаги товуш тезлиги ҳаводагига қараганда беш баравар юқори;
- Океан тубида кўпинча 100 метр баландликдаги тўлқинлар кўзгалиб, сув юзида улардан ҳосил бўлган цунамилар тахминан 60 метргача кўтарилади;
- Давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг 90 фоиздан ортиги кемада юк ташиш орқали амалга оширилади;
- Океанларга ташланган чиқиндилар овланган балиқлардан уч баравар кўпроқ;
- Ҳозирги пайтгача океанларнинг атиги 10 фоизи ўрганилган, холос;
- Дунёдаги энг узун тоғ занжири сув остида жойлашган;
- Дунё бўйлаб барча музейларга қараганда денгиз остида кўпроқ тарихий асарлар мавжуд;
- Сайёраимиздаги кислороднинг 70 фоиздан ортиги океанлар туфайли пайдо бўлади;
- Океан остида ҳам дарёлар ва кўллари топиш мумкин;
- Тинч океани дунёдаги энг катта океан бўлиб, майдони 165 миллион квадрат километрдан ортиқ;
- Тинч океани ойга қараганда каттароқдир;
- Тинч океанининг шимолий қисмида асосан пластик идишлардан иборат юзлаб миллион тонна чиқиндиларнинг улкан қисми оқиб юради;
- Тинч океанининг қирғоқлари вулқонлар ҳалқаси билан ўралган;
- Тинч океани туби доимо ўзгариб турадиган энг нотинч океандир;
- Бутун дунёда истъомол қилинадиган денгиз маҳсулотларининг ярми Тинч океанидан олинади;
- Коинотдан назар солинса, Тинч океани учбурчакка ўхшайди;
- Тинч океани ҳудуди ер юзидаги барча қуруқлик майдонидан катта;
- Тинч океанида 25 минг тага яқин орол мавжуд;
- Атлантика океани катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда бўлиб, С ҳарфига ўхшаш шаклга эга;
- Атлантика океанида энг катта орол — Гренландия ва "Бермуд учбурчаги" деб аталадиган сирли ҳудуд жойлашган;
- Сайёрадаги барча нефть захирасининг чорак қисми Шимолий муз океанининг тубида жойлашган;
- Шимолий муз океани суви энг кўп миқдорда шўрланган;
- Олимларнинг тахминича, Шимолий муз океанининг бутун муз қатлами 21-асрнинг охирига бориб эриб кетади;
- Шимолий муз океанининг суви ва бойликлари АҚШ, Россия, Норвегия, Канада ва Дания мамлакатларига тегишли;
- Океан тубидаги сув ниҳоятда иссик;
- Океанларда дунёдаги энг йирик жонзот бўлган китлар яшайди;
- Океандаги иқлим қуруқликнинг яқинлиги ва ҳаво массасининг турига боғлиқ;
- Дунё океанлари тубида 3 миллионга яқин кема қолдиқлари мавжуд.

**Интернет материаллари асосида**  
**Тоҳир ИСМОИЛЛОВ тайёрлади.**



### Жиноятга жазо муқаррар

## Хуфиёна келишув

ёки ёпиқлик қовон ёпиқлигича қолмади

(Бошланиши 3-бетда)

Фараз ниятда хуфиёна тил бириктирган икки мансабдор маҳалла раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик бўйича ўринбосари вазифасида ишловчи Эйтиборхон Кенжаевавни жиноий шерик сифатида танлашди.

Улар ўзаро жиноий тил бириктириб, турар жой асида Э.Кенжаеванинг ота-онаси Ш.Кенжаев ва О.Кенжаевага тегишли экани, 2000 йилдан буюн ундан маҳалла фуқаролар йиғини биноси сифатида фойдаланилиб келинаётгани ҳақида сохта далолатнома тузишди. Унга маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг думалоқ муҳри босилиб, гувоҳ сифатида кўшни хонадонларда яшовчи Х.Ҳамидов, О.Норқурбонов ва З.Жабборовнинг имзолари сохталаштиришди. Сўнг-ра ушбу қалбаки далолатномани фуқаролик ишлари бўйича судга тақдим этишди. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси Ш.Кенжаев ва О.Кенжаеванинг умумий мулки экани тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган, у ҳада шартномаси орқали О.Бобоқулловнинг номига расмийлаштирилди.

Шундан сўнг Н.Шарипова таниши Ф.Искандаровга хонадонни сотиб олишни таклиф қилади. Табиийки, Ф.Искандаров хонадоннинг ҳужжатларини сўрайди. Н.Шарипова унга ҳужжатлар ва хонадоннинг кўрсатади. "Маҳалла фуқаролар йиғини бу ерда вақтинча ижарада турибди, янги бино қуриб бўлингач, қўчиб кетади", дейди у.

Ф.Искандаров хонадонни сотиб олишга рози бўлган, Н.Шарипова уни маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Турсунқулов билан ураштиради. М.Турсунқулов хонадон нархини 390 миллион сўмга баҳолайди. Аммо Ф.Искандаровдан 350 миллион сўм бериш ниятида эканини эшитган, дарҳол рози бўлади ва закалат сифатида минг АҚШ долларини олади.

Орадан бир хафта ўтгач, М.Турсунқулов Ф.Искандаровдан хонадоннинг солиқ ва коммунал тўловлардан 3-4 йиллик қарзи борлиги, уларни тўлаш учун келишилган пулдан яна уч минг доллар беришни сўрайди. Бу орада Н.Шарипова ҳам уй ҳужжатларини тайёрлаш учун Ф.Искандаровнинг икки минг саккиз юз АҚШ долларини қўлга киритади. Аммо орадан тўққиз ой ўтса-да, фурибгарлар унга турли жибаҳо-

наларни рўқач қилиб, хонадонни расмийлаштириб беришни ортга суришади. Шу боис Ф.Искандаров улардан берган маблағини қайтаришни талаб қилади. Узоқ тортишувдан сўнг фурибгарлар унга 3 минг 500 АҚШ долларини қайтариб беришади.

Фуриб йўлига кирган бу кимсалар бу билан чекланмасдан "OLX.uz" сайтига хонадон сотилиши ҳақида эълон беришади. Уни ўқиган Бурҳон Тоғаев хонадонни сотиб олиш мақсадида Э.Кенжаевага учрашади. Янги харидор билан бу гал савдо 26 минг АҚШ долларига "пишади". Б.Тоғаев ўша вақтнинг ўзида Н.Шариповага 3 минг АҚШ доллар беради. Орадан кўп вақт ўтмай у Н.Шариповага яна 23 минг АҚШ доллар беради ва ундан хонадонни сотгани тўғрисида тилхат ёздириб олади.

Ана шундан сўнг Б.Тоғаевнинг сарсон-саргардонлиги бошланади. Фурибгарлар дастлаб уни "хонадонни бугун бўшатамиз, эртага бўшатамиз" дея алдашган бўлса, кейинчалик Б.Тоғаевнинг ўгли Сарварнинг номига олди-сотди шартномаси орқали расмийлаштириб беришади. Асида бу навбатдаги хийла эди. Чунки олди-сотди шар-

тномаси қоғозда қолиб кетадиган, хонадон бўшатиб берилмади. Шундан сўнг тоқати тоқ бўлган Б. Тоғаев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Ушбу шикоят асосида фурибгарларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади.

Судда гувоҳ сифатида кўрсатма берган А.Жавлоновнинг фикрлари ҳақиқатни тўлиқ ойдинлаштирди. А.Жавлоновнинг суддаги кўрсатмасига қараганда, у 1999-2001 йилларда ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаган. 1999 йилда маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси йўқлиги сабабли собиқ Темирийўл тумани ҳокими номига ариза билан мурожаат қилишган. Шундан сўнг ҳокимиятга тегишли бўлган биринчи қаватдаги бўш турган уч хонали хонадон туман ҳокимининг қарори билан маҳалла фуқаролар йиғинига маъмурий бино сифатида ажрати берилган. Бундан кўринадики, хонадон бирор-бир кишига тегишли эмас.

Биринчи босқич суди М.Турсунқулов, Н.Шарипова ва Э.Кенжаевага жиноий қилмишлари учун қонуний ва адолатли жазо тайинлади. Шунингдек, ҳар учала судланувчи Жиноят кодексининг 45-

моддасига мувофиқ мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Яқинда Самарқанд вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанцияси очиқ суд мажлисида М.Турсунқулов, Н.Шарипова ва Э.Кенжаеванинг апелляция шикоятини кўриб чиқилди.

Апелляция судлов ҳайъати биринчи босқич судида Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилиб, қонуний тўхтамага келингани учун апелляция шикоятини қаноатлантирмаклик ҳақида ажрим чиқарди.

Шу ўрнида таъкидлаш жоизки, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди — қинғир ниятдаги мансабдор шахсларнинг хуфиёна келишуви қонуний жазоланди.

**Жамшид БОТИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Пахтачи тумани суди раиси  
**Абдухамид**  
**ХУДОЙБЕРДИЕВ,**  
"Куч — адолатда" мухбири

## Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси  
Олий суди

### Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил  
23 февралда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0224-рақам  
билан рўйхатдан ўтган.



### ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ  
Робохон МАХМУДОВА  
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ  
Икрам МУСЛИМОВ  
Бахтиёр ИСАКОВ  
Холмўмин ЁДГОРОВ  
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ  
Замира ЭСОНОВА  
Бобомурод РАЙИМОВ

### Навбатчи муҳаррир:

Сардор  
ҲАМРОЕВ  
Саҳифаловчи:  
Шерзод  
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
**Манзиллари:** Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй  
**Тел.:** 71-241-01-56, 71-239-02-54  
**E-mail:** kuch-adolatda@mail.ru  
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.  
Буюртма: Г-715 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 4464  
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22<sup>00</sup>. Топширилди: 23<sup>00</sup>.